

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН  
Ҳ У К М

2024 йил август ойининг 6 куни жиноят ишлари бўйича Қуйичирчиқ туман суди, ўз биносида, очиқ суд мажлисида,

Раислик қилувчи: Ж.Кулдашев,

судья ёрдамчиси А.Абдилахатовнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Қуйичирчиқ туман прокурорининг катта ёрдамчиси Х.Бабаев, жабрланувчи XXXXXXXXXXXX, судланувчилар XXXXXXXXXXXX ва XXXXXXXXXXXXлар иштирокида, XXXXXXXXXXXX ва XXXXXXXXXXXXларга оид №1-1108-2402/135-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра:

XXXXXXXXXXXX (XXXXXXXXXXXX), 1987 йил 7 январда Тошкент вилояти, Паркент туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти олий, оилали, икки нафар фарзанди бор, муқаддам: 1) жиноят ишлари бўйича Бўстонлиқ туман судининг 2020 йил 19 март кунидаги ҳукмига кўра ЖК 168-моддаси 3-қисмининг “в” банди билан ЖК 45-моддасини қўллаб, 1 йил муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиб, иш ҳақининг 15 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган, жиноят ишлари бўйича Тошкент вилоят суди кассация инстанцияси судлов ҳайъатининг 2020 йил 19 июндаги ажримига кўра суднинг 2020 йил 19 мартдаги ҳукми ўзгаришсиз қолдирилган, жиноят ишлари бўйича Паркент туман судининг 2022 йил февралдаги ажримига кўра ЖК 73-моддасига асосан ўталмай қолган 4 ой 27 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазосидан муддатидан илгари шартли равишда озод қилинган, 2) жиноят ишлари бўйича Бўстонлиқ туман судининг 2024 йил 15 май кунидаги ҳукмига кўра ЖК 167-моддаси 3-қисмининг “а” банди, 168-моддаси 3-қисмининг “а,б,в” бандлари, 209-моддаси 2-қисмининг “а” банди, 28,209-моддаси 2-қисмининг “а” банди билан ЖК 59,60-моддалари билан ЖК 62-моддасига асосан 2 йил муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиб, иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 1 йил 2 ой ахлоқ тузатиш ишлари жазоси қолдирилган, вақтинча ишсиз, Тошкент вилояти, Паркент тумани, Сурхи кўчаси, рақамсиз уйда рўйхатда туриб, Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани, Ғазалкент шаҳри, Даҳана маҳалласи, Жамбил кўчаси, 2-уй, 21-хонадонда яшайди, иш бўйича “муносиб хулқ атворда бўлиш тилхат”



эхтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2024 йил 15 июль куни олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “б” банди билан айбланган.

XXXXXXXXXXXX (XXXXXXXXXXXX), 1985 йил 9 ноябрда Самарқанд вилояти, Пайариқ туманида туғилган туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти олий, оилали, уч нафар фарзанди бор, муқаддам: 1) жиноят ишлари бўйича Қуйичирчиқ туман судининг 2023 йил 9 август кунидаги ҳукмига кўра ЖК 168-моддаси 3-қисмининг “б,в” бандлари билан ЖК 45-моддасини қўллаб, 1 йил муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиб, иш ҳақининг 10 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 1 йил 6 ой ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган, Тошкент вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясининг 2023 йил 31 октябрдаги ажрими билан ҳукм ўзгаришсиз қолдирилган, Тошкент вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати тафтиш инстанциясининг 2024 йил 5 мартдаги ажримига кўра суд ҳукми ва апелляция инстанцияси судининг ажрими ўзгартирилиб, ЖК 168-моддаси 3-қисмининг “б,в” бандлари билан ЖК 45-моддасини қўллаб, 1 йил муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиб, ЖК 57-моддасини қўллаб иш ҳақининг 10 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 1 йил 6 ой ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган, 2) жиноят ишлари бўйича Бўстонлиқ туман судининг 2024 йил 15 май кунидаги ҳукмига кўра ЖК 167-моддаси 3-қисмининг “а” банди, 168-моддаси 3-қисмининг “б,в” бандлари, 209-моддаси 2-қисмининг “а” банди билан ЖК 57,59-моддалари билан 45-моддасини қўллаб, ЖК 62-моддасига асосан 1 йил 6 ой муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиб, иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 11 ой 24 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазоси қолдирилган, “HUNARMAND TA'LIM USTASI” МЧЖда касаначи мебелчи вазифасида ишлайди, Самарқанд вилояти Пайариқ тумани, Оқтош маҳалласи, Аллаёрқудуқ қишлоғи, рақамсиз уйда рўйхатда туриб, Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, 14-мавзе, 1-уй, 16-хонадонда яшайди, иш бўйича муносиб хулқ атворда бўлиш ҳақида тилхат тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2024 йил 15 июлда олган,



Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 3-қисмининг “б,в” банди билан айбланган.

Суд судланувчилар, жабрланувчи ва гувоҳнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилиларга баҳо бериб, қуйидагиларни

#### А Н И Қ Л А Д И :

Судланувчи XXXXXXXXXXXX, 2021 йил 29 март куни Халқ банки Дўстобод филиали бошқарувчиси ўринбосари лавозимида фаолият юритиб келиб, хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда олдиндан таниши Бўстонлиқ тумани, Дахана МФЙ, Жамбул кўчаси 2-уй, 22-хонадонда яшовчи XXXXXXXXXXXX билан бир гуруҳ бўлиб олдиндан тил бириктириб Навоий вилояти, Хатирчи тумани, Чечакота МФЙ, Янгиқишлоқ қишлоғи 23-уйда яшовчи фуқаро XXXXXXXXXXXXни ишончига кириб, уни номига ўзи фаолият юритиб келаётган Халқ банки Дўстобод филиалидан 24.500.000 (йигирма тўрт миллион беш юз минг) сўм кредит чиқаришлигини, ҳамда ушбу кредитни XXXXXXXXXXXX билан тенг бўлишиб олишларини ва кредит тўловларини ҳам ўзлари тўлаб боришларини, унга муаммо бўлмаслигини айтганлиги, сўнг Халқ банки Дўстобод филиалидан XXXXXXXXXXXXни номига 36 ой муддатга 24.500.000 (йигирма тўрт миллион беш юз минг) сўм миқдордаги истеъмол кредити чиқаришга эришиб, белгиланган ойлик кредит тўловларини ўз вақтида тўламасдан, XXXXXXXXXXXXга жами 24.500.000 (йигирма тўрт миллион беш юз минг) сўм зарар етказиб, олган пулларни ўзларини шахсий эхтиёжлари учун ишлатиб юборган.

Судланувчи XXXXXXXXXXXX суд мажлисида ўз айбига қисман иқдор бўлиб, у 2009 йилдан то 2020 йилга қадар Тошкент вилояти Бўстонлиқ тумани Ғазалкент шаҳрида жойлашган Микро кредит банкда хар хил лавозимларда ишлаб келганлигини, у ушбу Микрокредит банкда ишлаб юрган вақтида яъни 2015 йилдан 2019 йилга қадар уни ёрдамчиси сифатида XXXXXXXXXXXX ишлаб келганлигини, XXXXXXXXXXXX 2020 йил декабрь ойига келиб Қуйичирчиқ тумани АТ Халқ банкига ишга ўтганлигини, 2021 йил унга қўшни бўлиб яшовчи XXXXXXXXXXXX унга банкдан кредит чиқариб беришини сўраганлигини, у ўша вақт ҳеч қандай давлат ташкилотларида, банкда ишламай келаётганлигини, шунинг учун таниши XXXXXXXXXXXXга XXXXXXXXXXXXга кредит чиқаришда ёрдам сўраганлигини XXXXXXXXXXXX бунга рози бўлганлигини ва кредит ҳужжатларни расмийлаштириб Усмон акасини номига Қуйичирчиқ тумани АТ Халқ банки томонидан “Истеъмол кредити” чиқарганлигини, шундан сўнг орадан кўп вақт ўтмасдан XXXXXXXXXXXX акасини укаси XXXXXXXXXXXX акаси уни олдига келиб ўзига ва таниши Навоий вилоятида яшовчи XXXXXXXXXXXX исмли аёлга ҳам банкдан кредит чиқариб беришда ёрдам сўраганлигини, кейин бу бўйича ҳам XXXXXXXXXXXXга илтимос қилганлигини, XXXXXXXXXXXX бунга ҳам рози бўлганлигини шундан сўнг



барча хужжатларни тўғирлаб XXXXXXXXXXXX ва XXXXXXXXXXXXларни Қуйичирчиқ туманига XXXXXXXXXXXX ишлаётган АТ Халқ банкига олиб борганлигини ўша ерда улар бир бирларига кафил бўлишга ҳам келишишганлигини, кейин кредит хужжатларини расмийлаштиришни бошлаганлигини, шу ерда XXXXXXXXXXXXнинг кредит шартномсига XXXXXXXXXXXX ва уларни такси сифатида олиб келган Зиёд исмли шахс кафил бўлганлигини, шу тариқа Қуйичирчиқ тумани АТ Халқ банкидан XXXXXXXXXXXXга ва XXXXXXXXXXXXларга 3 йилга 26.99% билан 24.500.000 сўм “Истеъмол кредити” расмийлаштирилганлигини, барча хужжатлар расмийлаштирилиб бўлинганидан сўнг кредит чиқиши керак бўлган вақтда XXXXXXXXXXXX кредит олмаслигини айтиб қолганлигини, кейин у ва XXXXXXXXXXXX билан келишиб унга “чиқадиган кредитни ўзимиз олиб ўзимиз тўлаб берамиз” деб айтганлигини, XXXXXXXXXXXX ҳам бунга рози бўлганлигини, кейин кредит Қуйичирчиқ туманида жойлашган “Бабаев Омад” МЧЖ таъминотчи томонидан бериладиган бўлганлигини, шундан сўнг улар “Бабаев Омад” МЧЖдан кредит сифатида бериладиган нарсаларни сўраганлигини у уларга кредит нарсаларни қилиб бермаганлигини, шундан сўнг орадан анча вақт ўтиб кредит учун XXXXXXXXXXXXни ногирон фарзандининг пластик картасидан банк томонидан ечилганидан сўнг XXXXXXXXXXXXни келини унга телефон қила бошлаганлигини, улар унга тўламай келганлиги сабаби улар кредитни таминотчидан ололмаётганлигини, кейинчалик XXXXXXXXXXXXни ногирон фарзандини пули эканлигини билганидан сўнг XXXXXXXXXXXX билан келишиб 2-3 маротаба 400.000 сўмдан XXXXXXXXXXXXни келинининг пластик картасига ўтказиб берганлигини, ўша вақтлари XXXXXXXXXXXXни ўзи ишлаш мақсадида Туркия давлатига кетганлигини шу сабабли улар XXXXXXXXXXXX билан XXXXXXXXXXXXни укаси ва келини билан учрашганлигини ўшанда уларга таминотчини устидан ариза беришини ҳам сўраганлигини, шундан сўнг уларга нисбатан Бўстонлиқ тумани ИИБ ҳузуридаги Тергов бўлинмаси томонидан 168-моддаси 4-қисми “а” банди билан у ва XXXXXXXXXXXXга нисбатан жиноят иши қўзғатилганлигини ва 2023 йил сентябрь ойида уларга нисбатан қамоққа олиш эҳтиёт чораси қўлланилганлигини, шу сабабли улар XXXXXXXXXXXXни кредитларни қоплаб бера олмаганлигини, у ва XXXXXXXXXXXX билан бирга жабрланувчи XXXXXXXXXXXX номига олинган кредит қарздорлигининг муддати ўтган асосий қарзининг 3.500.000 сўми илгари қопланганлигини, ҳозирги кунда қолган зарарни қоплаш мақсадида депозит ҳисоб рақамига қўйилганлигини, бошқа бундай ҳолат такрорланмаслигини, оилавий шароитини инобатга олиб, енгилроқ жазо чорасини қўллашни сўради

Судланувчи XXXXXXXXXXXX суд мажлисида ўз айбига қисман иқроп бўлиб, у 2020 йил декабрь ойи бошидан 2021 йилнинг апрель ойига қадар Тошкент вилояти, Қуйичирчиқ тумани “Халқ банки Дўстобод филиали”да бошқарувчи ўринбосари лавозимида фаолият юритиб келганлигини, 2021 йил тахминан март ойи бошларида унга олдиндан таниш бўлган у билан



бирга олдинлари ишлаб келган таниши XXXXXXXXXXXX қўл телефониغا қўнғироқ қилиб, танишлари истеъмол кредити олмоқчи эканлигини, ўшаларга ёрдам бера олиш, олмаслигимни сўраганида, “XXXXXXXXXXXX таниши бўлганлиги кредит тарихи яхши бўладиган бўлса Қўйичирчиқ тумани АТ Халқ банкининг Тинчлик банк хизматлар марказига келиб ходимларга учрашлигини” айтганлигини, шундан сўнг орадан 4-5 кун муддат ўтгач XXXXXXXXXXXX уни қўл телефониغا қўнғироқ қилиб Қўйичирчиқ тумани АТ Халқ банкининг Тинчлик банк хизматлар марказига одамлари билан келишганлигини айтганлигини, сўнг у “XXXXXXXXXXXXга ушбу банкга кириб ходимларига учраб ҳужжатларни топширишини” айтганлигини, ўзи Пахтазор маҳаласидаги секторда маҳаллабай иш бўйича ишлаётганлиги учун ўзи хам уларни олдига борганлигини, бориб XXXXXXXXXXXX билан учрашиб саломлашганлигини, ўша вақтда машинада кредит олишга келган аёл кишини кўрганлигини, сўнгра орқасига ишига қайтиб кетганлигини, шу билан орадан қанча вақт ўтганлигини эслай олмаганлигини, XXXXXXXXXXXX билан кўришиб гаплашган вақтида у унга “XXXXXXXXXXXX кредит олишдан бош тортаябди, шунга ўзимиз ярим-ярим қилиб олиб ишлатайлик, кредит пулларини ярмини мен, ярмини сен тўлаб берасан” деганлигини, у хам “муаммо қилмаса майли” деб айтганлигини, шундан кейин XXXXXXXXXXXX олиб келган аёл кишини яъни XXXXXXXXXXXXни номига кредит чиқарилганлигини, бироқ улар ушбу кредит пуллари ташлаб берилган таъминотчи фирмадан шартномада кўрсатилган маҳсулотни ололмадик, лекин кўп маротаба ўша таъминотчи фирма вакили “XXXXXXXXXXXX исмли болага қўнғироқ қилиб, учрашиб кредитга олинган яъни етказиб бериши белгиланган маҳсулотни беришини сўраганлигини, бироқ бирор бир маҳсулотни таъминотчи бермаганлигини, шу билан ишларини қилиб юрган вақтида 2022 йилнинг тахминан март-апрель ойларида XXXXXXXXXXXX телефониغا қўнғироқ қилиб “пластигимдан халқ банки кредит тўловига пул ечиб олди, XXXXXXXXXXXXни номига олинган кредит товарларини олайлик ёки бўлмаса банкга таъминотчи пулларини қайтариб берсин шуни хал қилайлик” деб айтганлигини, у таъминотчи билан телефонда гаплашиб “хал қилиб бер бизни ишларни” деб айтганида “XXXXXXXXXXXX” исмли таъминотчи фирма вакили “хал қилиб бераман” деганлигини, лекин хал қилмаганлигини, кейин XXXXXXXXXXXX исмли вакилини XXXXXXXXXXXX билан чақириб учраштирганлигини, учрашган вақтида хам у уларга “хал қилиб бераман” деб айтиб кетган, аммо барибир хал қилиб товарни ёки пулларини банкга қайтариб ташламаганлигини, орада ўзини ишлари билан юрган вақтида 2022 йилнинг июн ойларида ўзини “XXXXXXXXXXXXни қариндошиман” деб аёл киши телефон қилиб унга “XXXXXXXXXXXX билан сен XXXXXXXXXXXXни номига кредит олган экансизлар шу кредитни ойлик тўловига мени ногиронлик нафақа пулимдан ечиб олди, шуни пулларини тўлаб беринглар” уларга деди, сўнг XXXXXXXXXXXXга телефон қилиб XXXXXXXXXXXX XXXXXXXXXXXXни қариндоши телефон қилиб



айтган гапларни айтиб берганлигини ва улар ўша телефон қилган аёл билан қайта телефонда гаплашиб пластик картастига хар ойига неча пул банк ечиб олган бўлса у ярмини, XXXXXXXXXXXX ярмини ой давомида ўтказиб берганлигини, 2023 йилнинг тахминан июл ойини охири август ойини бошларида “XXXXXXXXXXXXни укасиман ва келиниман” деб телефон қилишиб “учрашиб гаплашиб олайлик” деб айтишганлигини, сўнг улар Тошкент шаҳрида эканликларини айтишгани учун шу кунни ўзида Буюк Ипак йўли метроси яқинида улар билан XXXXXXXXXXXX иккаласи кўришганлигини, улар эр-хотин келишганлигини, учрашган вақтида улар уларга “XXXXXXXXXXXXни кредити нима бўлган ўзи” деб сўрашганлигини, улар “уларни тўғри биз бошида келишиб оламиз деганмиз, лекин таъминотчи томонидан маҳсулот берилмаган, лекин биз ваъда қилганимиз учун тўлаб бераябмиз” деганлигини, “агар мурожаат қиладиган бўлсанглар қаршилигимиз йўқ, прокуратурага ёзиб беринглар таъминотчи жавоб бераверсин” деганлигини, шу билан қайтиб кетганлигини, бошқа улар билан гаплашмаганлигини, улар XXXXXXXXXXXXни номига жами 24.500.000 сўм кредит олинаётганлигини билганлигини, кредит маҳсулоти маиший техника буюмлари бўлганлигини, у таниши XXXXXXXXXXXXни таниши XXXXXXXXXXXXни Тинчлик банк хизматлари марказига 2 нафар кафиллари билан келишганлигини ўзи кўрганлигини уларни ўзлари кредит ҳужжатларига имзо қўйишганлигини, ўринларига ҳеч ким имзо қўймаганлигини, у бошида ўзаро келишганлиги бўйича XXXXXXXXXXXXга тахминан 9.000.000 (тўққиз миллион) сўм берадиган қарзи қолганлигини, лекин у таъминотчидан маҳсулот олмаганлигини, у XXXXXXXXXXXX билан ўзаро бундай келишувни амалга оширмаганлигини, лекин XXXXXXXXXXXX билан келишган вақтида у XXXXXXXXXXXXни номига олинаётган кредит маҳсулотини ярмини олишига ва ойлик кредит тўловларини ярмини тўлаб боришига келишганлигини, кредит маҳсулоти берилмасдан қолиши ҳақида ўша вақтда билмаганлигини ва келишмаганлигини, унга XXXXXXXXXXXXни ўзи эмас балки унинг “келиниман” деб бир аёл киши телефонига телефон қилган ўша вақтда “номерингизни XXXXXXXXXXXX берди XXXXXXXXXXXXмисиз” деганлигини, у “ха XXXXXXXXXXXXман” деганлигини, кейин ўша аёл унга “XXXXXXXXXXXX айтди кредитни ярмини сиз олмоқчи бўлган экансиз, hozirги кунда мени пластгимдан ўша кредитга пул ечиб олмоқда, шунга ўша ечиб олинган пулларни мени пластик картага ташлаб берсангиз” деб гапирганлигини, у унга “майли мен hozir XXXXXXXXXXXX билан гаплашиб олайн, лекин таъминотчидан кредит маҳсулоти олинмаган” деганлигини, сўнг XXXXXXXXXXXXга телефон қилиб у билан маслаҳатлашганида, XXXXXXXXXXXX унга “ҳақиқатдан ҳам ўша аёлни ногиронлик пули нафақа пулидан кредит тўловига ечиб олаётган экан, таъминотчидан пулни қайтартирамиз, hozirча пулини пластигига ўтказиб бериб турайлик” деганлигини, у ҳам “майли” деганлигини, кейин у 2023 йил сентябрь ойига қадар тахминан 3.000.000



(уч миллион) сўмга яқин пулни XXXXXXXXXXXXни пластик картасига ўтказдириб берганлигини, XXXXXXXXXXXX хам ўша вақтда тахминан 3.000.000 (уч миллион)ча XXXXXXXXXXXXни пластик картасига ўтказдириб берганлигини, шундан кейин у бошқа пул XXXXXXXXXXXXни пластик картасига ўтказдириб бермаганлигини, XXXXXXXXXXXX яна XXXXXXXXXXXXни пластик картасига ўтказганми ёки йўқми бу ҳақида бошқа унга гапирмаганлигини, бир марта XXXXXXXXXXXXни номидан “укасиман” деб Зафар исмли бола олдига Тошкент шаҳри, Буюк Ипак йўли метроси яқинига кўришиб ушбу кредит бўйича гаплашишга келганлигини, у бир ўзи ўша Зафарни кутиб олганлигини, орадан 2 соатлар вақт ўтиб XXXXXXXXXXXX хам келганлигини, ўша ерда Зафар акага “таъминотчидан XXXXXXXXXXXXни номига чиқарилган кредит товари олимаганмиз, шу сабабли кредит маблағини банкга қайтаргизмоқчимиз агар имкони бўса пуллари банкга қайтартирамыз, хозир XXXXXXXXXXXXни ногирон боласини пулидан ечиб олаётган экан шу пуллари имкон борича қайтариб берамыз” деганлигини, сўнг у Зафарни йўлкирасини бериб жўнатиб юборганлигини, шундан кейин бошқа XXXXXXXXXXXXни яқинлари билан кўришмаганлигини, бошқа бундай ҳолат такрорланмаслигини, етказилган зарарни қоплаганлигини, оилавий шароитини инобатга олиб, енгилроқ жазо чорасини қўллашни сўради.

Жабрланувчи XXXXXXXXXXXX суд мажлисида, у 2020 йилнинг сентябрь ойидан Тошкент вилояти, Паркент туманида жойлашган “UNIVERSAL ART TEKSTIL” номли фирмада 2022 йилнинг ноябрь ойига қадар ип йигирувчи бўлиб ишлаганлигини, шу фирмада ишлаш давомида 2021 йилнинг март ойи ўрталарида у ишлаётган юқорида номи ёзилиб ўтилган фирмада ошпаз бўлиб ишовчи XXXXXXXXXXXX исмли ёши катта киши ўғлига тўй қилаётганлигини айтиб удан кредит чиқаришида кафил керак бўлаётганлигини тушунтириб ундан у кредит олишида кафил бўлиб туришини сўраганлигини, у унга кафил бўлишга бошида рози бўлмаганлигини, лекин XXXXXXXXXXXX ака бир неча мартаба қайта-қайта сўраб хафа бўлиб юрганига “майли” деб рози бўлганлигини, кейин ҳисобчидан ойлик маошини ҳисоб варағини олиб ҳамда фуқаролик паспортини аслини XXXXXXXXXXXX акага берганлигини, орадан тахминан бир неча хафта вақт ўтиб XXXXXXXXXXXX ака у тунгги навбатчиликдан чиққан вақтида унга “қараб кредит ҳужжатлари тайёр бўлибди шунга имзо чекиб келайлик” деганлигини, у “майли” деб у кишини ёшини хурмат қилиб бирга борганлигини, шу кетишда XXXXXXXXXXXX акани ўғли борлигини, ўша ўғлини Нехиа-1 русумли автомашинасида иккаласи Қуйичирчиқ тумани, Тинчлик маҳаласида жойлашган банкга борганлигини, борганидан кейин XXXXXXXXXXXX ака банкга кириб кетганлигини, орадан 30 дақиқа вақт ўтиб XXXXXXXXXXXX ака банкдан уни олдига чиқиб келиб “юргин кириб имзо чекар эканмиз” деганлигини, у киши билан бирга кичкинагина банкни ичига кирганлигини, кирса ичкарида ҳеч ким йўқ эканлигини, бир нафар оқ кўйлакли банк ходими чиқиб келиб унга қараб бир ҳужжатни кўрсатиб қаерларига имзо чекишини айтиб турганлигини ва у айтган жойларига имзо чекиб бўлганидан



сўнг унга қараб “сиз ХХХХХХХХХХ акага кафил бўлдингиз” деганлигини, у “майли” деб чиқиб кетганлигини, лекин уни айнан қачон расмга олишганлигини билмаганлигини, эслай олмаганлигини, шундан кейин кетиб бошқа банкга бормаганлигини, ҳеч кимга кафил хам бўлмаганлигини, орадан 3-4 ой вақт ўтиб ХХХХХХХХХХ акадан “нима бўлди кредит чиқаролдингизми” деб сўраганида ХХХХХХХХХХ ака унга “йўқ кредит чиқаришмади менга” деб айтганлигини, фуқаролик паспортини қайтариб берганлигини, шундан кейин ўзини ишлари билан шуғулланиб юрганлигини, 2022 йилнинг 29 декабрь куни ишлаб пул топиш мақсадида Туркия Республикасига ишлашга кетганлигини, ўша ерда ишлаб юриб телеграм орқали онаси билан гаплашган вақтида онаси унга телеграмдан банкдан кредит қарздорлиги борлиги ва тўлаб қўйишини сўраб хат келганлигини ташлаб берганлигини ва ундан “қачон, қандай кредит олган эдингиз” деб сўраганлигини, у онасига бўлиб ўтган воқеаларни айтиб берганлигини, сўнг суриштириб кўрса уни номига кредит чиқарилиб ушбу кредит пулларини битта фирма орқали Локаев ХХХХХХХХХХ ва ХХХХХХХХХХ исмли Дўстобод шаҳри филиали Халқ банки ходимлари ўзлаштириб юборишганлигини, ХХХХХХХХХХга телефон орқали боғланиб гаплашган вақтида “сизни ҳисобингиздан ечиб олишган суммани сизга ташлаб бераман” деганлигини ва 100.000 сўм ўтказиб берганлигини, кейин телефон қилса телефонига жавоб ёзмай қўйганлигини, уни ҳисоб рақамидан тахминан 1 йилдан буён ойига 808.000 сўмдан ногиронлик пулидан ечиб келмоқдаллигини, 18 ёшга тўлмаганлик пулидан 404.000 сўмдан ечиб келмоқдаллигини, ҳозирги кунда судланувчилар томонидан депозит ҳисоб рақамига қўйилган пул мблагларини кредит қарздорлигига йўналтиришни, судланувчиларга нисбатан даъвоси йўқлигини, уларга нисбатан енгиллик беришни сўради.

Суд, судланувчилар ХХХХХХХХХХ ва ХХХХХХХХХХларнинг юқорида кўрсатилган жиноятни содир этганликдаги айби, улар ўз айбига қисман иқрорлик билдириб берган кўрсатувларидан ташқари, кредит йиғма жилди хужжатларидан нусха, жабрланувчининг кўрсатувлари, тилхатлар, квитанциялар, юзлаштириш баённомаси, АТ Халқ банки маълумотномаси ҳамда жиноят иши бўйича тўпланган бошқа далиллар мажмуи билан ўз тасдиғини тўлиқ топган деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи ХХХХХХХХХХ томонидан содир этилган жиноятнинг юридик квалификациясини муҳокама қилиб, дастлабки тергов органи томонидан фирибгарлик, яъни алдаш ёки ишончли суиистеъмол қилиш йўли билан, такроран ўзганинг мол-мулкани қўлга киритишда ифодаланган жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “б” банди билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи ХХХХХХХХХХ томонидан содир этилган жиноятнинг юридик квалификациясини муҳокама қилиб, дастлабки тергов органи томонидан фирибгарлик, яъни хизмат мавқеидан фойдаланган холда ҳамда такроран ўзганинг мол-мулкани қўлга киритишда ифодаланган жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “б,в” бандлари билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.



Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2014 йил 23 майдаги “Суд ҳукми тўғрисида”ги 7-сонли Қарорининг 28-бандида, судларнинг эътибори, ҳукм чиқаришда уларнинг жазо тайинлашнинг умумий асослари тўғрисидаги қонун талабларига оғишмай риоя қилиш шартлигига, жиноят қонунининг асосий тамойилларидан бири инсонпарварлик тамойили эканлигига ва унинг мазмунига кўра жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо ва бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланиши кераклигига қаратилиши;

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли Қарорининг 3-бандида, ЖКнинг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги ҳақида тушунтиришлар берилган.

судланувчи XXXXXXXXXXXXга нисбатан жазо тури ва меъёрини тайинлашда содир этган жиноятининг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини инobatга олиш билан бирга, унинг шахсини, муқаддам судланганлигини, оилада ягона боқувчилигини, жиноят содир этилганидан кейинги хулқ-атворини, оилавий шароитини, икки нафар фарзанди борлигини, жабрланувчиларга етказилган моддий зарар қисман қопланганлигини, жабрланувчининг судланувчиларга нисбатан даъвоси йўқлигини ҳамда жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи бошқа барча ҳолатларини инobatга олиб, юқоридаги ҳолатларни жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар деб топиб, уни Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “б” банди билан, ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, модда санкциясида назарда тутилган жарима жазосидан ҳам камроқ миқдорда жарима жазосини тайинлашни, ЖКнинг 59-моддаси 8-қисми ва 61-моддаси тартибида, жиноят ишлари бўйича Бўстонлик туман судининг 2024 йил 15 майдаги ҳукми билан тайинланган жазони мазкур ҳукм билан тайинланган жазога тўла қўшиш йўли билан узил-кесил ўташ учун муайян ҳуқуқдан яъни, мансабдорлик ва моддий жавобгарлик юклатилган лавозимларда ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилинган ҳолда, жарима жазоси ва ахлоқ тузатиш ишлари жазосини тайинлашни, тайинланган ҳар-хил турдаги жазоларни ЖКнинг 61-моддасига асосан алоҳида-алоҳида ижро қилишни ҳамда жиноят ишлари бўйича Бўстонлик туман суди томонидан ЖК 62-моддасига асосан қамоқда сақланган кунларни чегириб ташлаганлигини инobatга олишни;

судланувчи XXXXXXXXXXXX нисбатан жазо тури ва меъёрини тайинлашда содир этган жиноятининг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини инobatга олиш билан бирга, муқаддам судланганлигини,



унинг шахсини, оилада ягона боқувчилигини, жиноят содир этилганидан кейинги хулқ-атворини, оилавий шароитини, уч нафар фарзанди борлигини, жабрланувчиларга етказилган моддий зарар қисман қопланганлигини, жабрланувчининг судланувчиларга нисбатан даъвоси йўқлигини ҳамда жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи бошқа барча ҳолатларини инobatга олиб, юқоридаги ҳолатларни жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар деб топиб, уни Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “б,в” бандлари билан, ЖКнинг 45-моддасини асосан, модда санкциясида назарда тутилган муайян ҳуқуқдан яъни, мансабдорлик ва моддий жавобгарлик юклатилган лавозимларда ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилинган ҳолда ва ахлоқ тузатиш ишлари жазосини тайинлашни, ЖКнинг 59-моддаси 8-қисми тартибида, жиноят ишлари бўйича Бўстонлик туман судининг 2024 йил 15 майдаги ҳукми билан тайинланган жазони мазкур ҳукм билан тайинланган жазога қисман қўшиш йўли билан узил-кесил ўташ учун муайян ҳуқуқдан яъни, мансабдорлик ва моддий жавобгарлик юклатилган лавозимларда ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилинган ҳолда ва ахлоқ тузатиш ишлари жазосини тайинлашни ҳамда жиноят ишлари бўйича Бўстонлик туман суди томонидан ЖК 62-моддасига асосан қамоқда сақланган кунларни чегириб ташлаганлигини инobatга олишни лозим топди.

Шунингдек суд, етказилган зарар масаласини муҳокама қилиб, АТ “Халқ банки” Дўстобод филиалининг 24.07.2024 йилдаги 14-04/100-сонли маълумотномасига кўра жабрланувчи XXXXXXXXXXXXнинг номига олинган кредит қарздорлигининг муддати ўтган асосий қарздорлигининг суммаси 21.000.000 сўм эканлигини ҳамда жабрланувчи XXXXXXXXXXXXнинг зарарни қоплаш учун судланувчилар томонидан депозитга қўйилган пул маблағларини кредитнинг муддати ўтган асосий қарздорликка йўналтириш бўйича берган аризасини инobatга олиб:

-ООО “SHELBY WOOD” ҳамда судланувчи XXXXXXXXXXXX томондан иш бўйича зарарни қоплаш мақсадида Тошкент вилоят ИИББ хузуридаги Тергов бошқармасининг 21506000200447886012, МФО:00014, ИНН 200541951 “Марказий банк” Тошкент вилояти филиали депозит ҳисоб рақамида сақланаётган жами 14.300.000 /ўн тўрт миллион уч юз минг/ сўм пуллар ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг жабрланувчи XXXXXXXXXXXX номига “Халқ банки” АТБ Дўстобод филиалидан олинган кредитнинг асосий қарздорликни қоплашга йўналтиришни;

-Судланувчи XXXXXXXXXXXX томонидан томонидан “Судлар фаолиятини таъминлаш департаменти” Тошкент вилоят ҳудудий бўлимининг депозит ҳисоб рақамига топширилган жами 5.870.000 /беш миллион саккиз юз етмиш минг/ сўм пуллар ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг жабрланувчи XXXXXXXXXXXX номига “Халқ банки” АТБ Дўстобод филиалидан олинган кредитнинг асосий қарздорликни қоплашга йўналтиришни;



-судланувчилар XXXXXXXXXXXX ва XXXXXXXXXXXXлардан солидар тартибда жабрланувчи XXXXXXXXXXXX фойдасига 830.000 сўм миқдордаги етказилган моддий зарарни ундиришни;

-жабрланувчига етказилган бошқа моддий ва маънавий зарарларни ундириш бўйича фуқаролик суд ишларини юритиш тартибида даъво қўзғатиш ҳуқуқи борлиги тушунтиришни лозим топади.

Юқоридагиларга асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 460, 462-463, 465-468, 471-473-моддаларига риоя қилиб, суд

## ҲУКМ ҚИЛДИ:

XXXXXXXXXXXX (XXXXXXXXXXXX) Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “б” банди билан айбли деб топилсин.

XXXXXXXXXXXXга Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 3-қисмининг “б” банди билан ЖК 57-моддасини қўллаб базавий ҳисоблаш миқдорининг 30 /ўттиз/ баравари миқдорда яъни, 7.350.000 /етти миллион уч юз эллик минг/ сўм жарима жазоси тайинлансин.

XXXXXXXXXXXX Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 59-моддаси 8-қисми ва 61-моддаси тартибида, жиноят ишлари бўйича Бўстонлик туман судининг 2024 йил 15 майдаги ҳукми билан тайинланган жазони мазкур ҳукм билан тайинланган жазога тўла қўшиш йўли билан узил-кесил ўташ учун 2 /икки/ йил муддатга муайян ҳуқуқдан яъни, мансабдорлик ва моддий жавобгарлик юклатилган лавозимларда ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиниб, ҳар ойлик иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 1 /бир/ йил 2 /икки/ ой муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси ва базавий ҳисоблаш миқдорининг 30 баравари миқдорда яъни, 7.350.000 /етти миллион уч юз эллик минг/ сўм жарима жазоси тайинлансин.

Тайинланган ҳар-хил турдаги жазолар Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 61-моддасига асосан алоҳида-алоҳида ижро қилинсин.

Унга нисбатан тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари жазоси жазони назорат қилувчи органлар белгилаб берган жойларда ўтатирилсин.

Ахлоқ тузатиш ишлари жазо муддати ҳукм ижрога қаратилиб ойлик иш ҳақидан ундирила бошлаган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Ҳукм ижросини таъминлаш Тошкент вилояти Бўстонлик туман ИИБ Пробация гуруҳи зиммасига юклатилсин.

Жиноят ишлари бўйича Бўстонлик туман судининг 2024 йил 15 майдаги ҳукмига асосан тайинланган жазонинг ўталган қисми инобатга олинсин.

XXXXXXXXXXXXга нисбатан қўлланилган тилхат тарзидаги эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргандан кейин бекор қилинсин.



XXXXXXXXXXXX (XXXXXXXXXXXX) Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси

3-қисмининг “б,в” бандлари билан айбли деб топилсин.

XXXXXXXXXXXXга Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 3-қисмининг “б,в” бандлари билан ЖК 45-моддасига асосан 1 (бир) йил муддатга муайян ҳуқуқдан, яъни мансабдорлик ва моддий жавобгарлик билан боғлиқ лавозимларда ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиб, иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 (икки) йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

XXXXXXXXXXXXга ЖК 59-моддасининг 8-қисми тартибида жиноятлар мажмуи бўйича, ушбу ҳукм билан тайинланган жазога жиноят ишлари бўйича Бўстонлиқ туман судининг 2024 йил 15 майдаги ҳукмига кўра тайинланган жазони қисман қўшиш йўли билан узил-кесил 1 (бир) йил 7 (етти) ой муайян ҳуқуқдан, яъни мансабдорлик ва моддий жавобгарлик билан боғлиқ лавозимларда ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиб, иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 1 (бир) йил 24 (йигирма тўрт) кун ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари жазоси ўз иш жойида ўтаттирилсин.

Ахлоқ тузатиш ишлари жазо муддати ҳукм ижрога қаратилиб ойлик иш ҳақидан ундирила бошлаган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Ҳукм ижросини таъминлаш Тошкент шаҳар Юнусобод тумани ИИБ Пробация гуруҳи зиммасига юклатилсин.

Жиноят ишлари бўйича Бўстонлиқ туман судининг 2024 йил 15 майдаги ҳукмига асосан тайинланган жазонинг ўталган қисми инобатга олинсин.

XXXXXXXXXXXXга нисбатан қўлланилган тилхат тарзидаги эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргандан кейин бекор қилинсин.

ООО “SHELBY WOOD” ҳамда судланувчи XXXXXXXXXXXX томондан иш бўйича зарарни қоплаш мақсадида Тошкент вилоят ИИББ хузуридаги Тергов бошқармасининг 21506000200447886012, МФО:00014, ИНН 200541951 “Марказий банк” Тошкент вилояти филиали депозит ҳисоб рақамида сақланаётган жами 14.300.000 /ўн тўрт миллион уч юз минг / сўм пуллар ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг жабрланувчи XXXXXXXXXXXX номига “Халқ банки” АТБ Дўстобод филиалидан олинган кредитнинг асосий қарздорликни қоплашга йўналтирилсин.

Судланувчи XXXXXXXXXXXX томонидан томонидан “Судлар фаолиятини таъминлаш департаменти” Тошкент вилоят ҳудудий бўлимининг 20203000900822178001, МФО: 00408, ИНН 207252301 “Ипотека банк” АТИБ Тошкент вилояти филиали депозит ҳисоб рақамига топширилган жами 5.870.000 /беш миллион саккиз юз етмиш минг/ сўм пуллар ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг жабрланувчи XXXXXXXXXXXX



номига “Халқ банки” АТБ Дўстобод филиалидан олинган кредитнинг асосий қарздорликни қоплашга йўналтирилсин.

Судланувчи XXXXXXXXXXXX ва XXXXXXXXXXXXлардан солидар тартибда жабрланувчи XXXXXXXXXXXX фойдасига 830.000/саккиз юз ўттиз минг/ сўм миқдоридаги етказилган моддий зарарни ундиришни лозим топади.

Жабрланувчи ва манфаатдор шахсларга етказилган бошқа моддий ва маънавий зарарларни ундириш бўйича фуқаролик суд ишларини юритиш тартибида даъво қўзғатиш ҳуқуқи борлиги тушунтирилсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб 10 сутка ичида, судланувчилар ва жабрланувчи эса ҳукм нусхасини олгандан сўнг шу муддатда туман суди орқали Тошкент вилоят суди жиноят ишлари бўйича апелляция судлов ҳайъатига апелляция тартибида, 10 сутка ўтганидан сўнг эса кассация тартибида протест ёки шикоят келтиришлари мумкин.

Раислик қилувчи, судья

:

Ж.Кулдашев

